

RESEARCH ARTICLE

Issues Of Translating The Concept Of "Talab" In The Work "Masnaviyi Ma'naviy" Into Uzbek

Muhammadrizo Aslaniy

Senior Lecturer Tashkent State University of Oriental Studies, Uzbekistan

Oydin Turdiyeva

Associate Professor, Doctor of Philological Sciences Tashkent State University of Oriental Studies Toshkent, Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 57-59

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-Noncommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

This article examines the issues related to translating the term "talab," widely used in Jalal al-Din Rumi's Masnavi-ye Ma'navi, into the Uzbek language. In Sufi literature, the term conveys not only its lexical meaning but also spiritual, mystical, emotional, and metaphysical dimensions.

KEY WORDS

Mawlana, Masnavi-ye Ma'navi, talab, irfan, Sufism, semantic analysis.

INTRODUCTION

"Талаб" тушунчаси тасаввуфда сулук йўлидаги илк ва энг асо-сий қадам бўлиб, Ҳаққа етишиш учун "излаш" ва "ички майл" маъноларини англатади. Барча ирфоний-дидактик асар-лар-да ушбу тушунчага алоҳида ўрин ажратилган. Одатда мў-та-бар китобларнинг дастлабки бобларида айнан шу масала ба-таф-сил муҳокама қилинади. Зеро, аксарият тасаввуфий тас-ниф-лар-да "талаб" тариқат солукининг йўлга киришидаги биринчи бос-ғ-кич сифатида эътироф этилган. Хусусан Абу Наср Саррож Тусий, Абдурахмон Жомий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Нажмид-дин Розий, Абулмажид Санойи, Шайх Шаҳобиддин Сухра-вар-дий, Фаридиддин Аттор, Имом Муҳаммад Ғаззолий асарлари шу-лар жумласидандир. Аммо Мавлоно Жалолиддин Балхий (Румий)нинг "Маснавийи маънавий" асари эса шубҳасиз, тасав-ву-фий адабиётнинг дурдонаси ҳисобланади.

Мумтоз форс адабиётининг нодир манбаларида "талаб" ата-масини ўзбек тилига оддий сўз билан таржима қилиш кўп ҳол-ларда маъно йўқолишига олиб келади. Шу сабаб

таржимон асар-нинг маънавий контексти, тасаввуфий манбалари, семан-тик қатламларини англаши муҳим ҳисобланади.

Масалан, Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарида "талаб" йўл-нинг боши, руҳий уйғониш ва инсоннинг ўзига аслида бе-рил-ган илҳомни таниши деб тушунтирилса, Ансорий "талаб"ни ин-сон-ни дунёвий истаклардан узоқлаштириб, фақат Ҳаққа йўнал-ти-рувчи ички чақириқ деб баҳолайди. Мавлоно эса ушбу ту-шун-чани ҳам маънавий, ҳам ишқий, ҳам космологик мазмунда шарҳ-лайди. "Маснавийи маънавий"да эса "талаб" тушунчаси кўп ҳолларда руҳнинг илоҳий аслига қайтиш истаги, инсонда пай-до бўладиган ички нидо ва безовталиқ, ишқнинг илк лар-за-си, маънавий ҳазратга талпиниш. маъноларни билдиради.

Мавлоно таълимотига кўра, "Маснавий"нинг бутун мазмун-мо-ҳияти саналган "Найнома"да асосий мавзу "талаб"дир. Талаб ҳи-қоясини "най" баён қилади; най рамздир. Най

фақат буткул ичи бўшатишган, яъни ичидан тозаланганидан кейингина ҳиж-рон надоматини тўқмоққа бошлайдики:

بشنو از نی چون حکایت می کند

[1] از جدایی ها شکایت می کند

Тингла бу найни нола қиладур,

Ажралишлардан ҳикоят қиладур.

Мавлоно най тилидан келтирган ҳикоят ва шикоят ай-ри-лиш қиссасидир. Яъни ориф руҳининг найзордан ажралиб қол-га-ни ва у ўзининг ҳиссий дунё деб аталмиш бу сургунгоҳдан, яъни бадарға қилинган оламдан ўзининг асл манбаи ва бош-лан-ғич оламига етмоқни орзу қил ади. “Найнома” Масна-вий-нинг дастлабки қисми бўлиб, найнинг ноласи инсон руҳининг олам азалдан ажралиб, яна аслига қайтиш интилишини анг-ла-та-ди. Мавлоно талаби руҳнинг ўз манбаига қайтиш ҳаракати, деб талқин қилади. “Маснавий”нинг учинчи дафтари, 37-қ исмдаги мисраларга эъти-бор қаратамиз:

گر گران و گر شتابنده بود

آنکه جویندهست یابنده بود

در طلب زن دایما تو هر دو دست

که طلب در راه نیکو رهبرست

لنگ و لوک و خفته شکل و بی ادب

سوی او می غیڑ و او را می طلب

که به گفت و که به خاموشی و که

[2] بوی کردن گیر هر سو بوی شه

Мавлононинг ақидасича, ҳар қандай солиқ хоҳ секин юрсин ёки тез, охир-оқибат барибир ўз мақсадига етади. Шу боис, до-и-мо талаб йўлида бўлиши керак. Ҳаққа қараб бораётган бу сайр қан-дай шаклда бўлмасин, ҳатто тартиб-қоидаларга тўла риоя қи-линмаган тақдир да ҳам, Ҳақ назарида қабул топиши мумкин. Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаракат қилгин ва Ҳақ-нинг офияти ва тажаллийлари орқали Унинг маърифатига эри-шиш-га интилгин.

Ўзбек тилида “талаб” сўзи мавжуд бўлса-да, у асосан “хо-ҳиш”, “истак”, “бирор нарсани талаб қилиш” маъноларида қўл-ла-нилади. Тасаввуфий контекстдаги

“талаб” эса “руҳий из-ти-роб”, “илоҳий издошлик”, “ишқий уйғониш”, аслга қайтиш ин-ти-лиши”каби кенг маъноларни қамраб олади. Шунинг учун ўз-бек-ча “изланиш”, “иштиёқ”, “саъй” каби сўзлар бу тушунчани тў-лиқ қамраб ололмайди. Таржимада маъно йўқолишига сабаб бўлади.

این رها کن عشق های صورتی

نیست بر صورت نه بر روی ستی

آنچ معشوق ست صورت نیست آن

خواه عشق این جهان خواه آن جهان

آنچ بر صورت تو عاشق گشته ای

چون برون شد جان چرایش هشته ای؟

صورتش بر جاست این سیری ز چیست؟

عاشقا وا جو که معشوق تو کیست؟

آنچ محسوس ست اگر معشوقه است

عاشق ستی هر که او را حس هست

چون وفا آن عشق افزون می کند

کی وفا صورت دگرگون می کند؟

پرتو خورشید بر دیوار تافت

تابش عاریتی دیوار یافت

!بر کلوخی دل چه بندی ای سلیم؟

[3] وا طلب اصلی که تابد او مقیم

Мавлононинг хитоби ишқи маъжозийга (ташқи суратга) муб-тало бўлган инсонлардир. У айтадики, ҳақиқий маҳбуб сурат эмас: у на бу дунёга сиғади, на охиратга. Шу сабабдан ҳам дунё ҳам охират сени Ҳақ талабидан тўсиб қўяди. Агар бу маҳ-бу-балар (яъни моддий маҳ б у б л а р) ҳақиқий маҳбуб бўлганида, нима учун уларнинг ўлими билан сенинг ишқинг ҳам тугайди? Агар ҳақиқий маҳбуб ҳис этиладиган, кўриладиган махлуқ бўл-га-нида, унда ҳар бир ҳис соҳиби инсон ошиқ ва талабгор бўлар эди. Мавжуд зоҳирий нарсалар аслида Парвардигорнинг мут-лақ борлигидан бир тажаллийдир. Деворга қуёш нури туш-ган-да у ёруғ бўлиб кўринади бу ёруғлик эса вақтинчалик, қарзга олин-ган нурдир. Сен нима учун шу қарз ёруғликка дил боғ-лайсан? Қуёшнинг (Ҳақнинг) ўзига талпин, зеро унинг нурлари аба-дий ва асилдир. [4;19]

И з л а н и ш л а р шуни кўрсатадики, “талаб” атамаси ўзбек тилида бир неча таржимавий ечимларни талаб қилади: 1) Сўзма-сўз таржима: “талаб” (аммо бу фақат юзаки маънони беради). 2) Маъновий таржима: “руҳий интилиш”, “илоҳий истак”. 3) Бирикма орқали таржима: “аслига қайтишга бўлган ички чақириқ”. 4) Термин сифатида таржима қилмасдан қолдириш: “талаб (тасаввуфий маънода)”

Илмий жиҳатдан энг мақбул ечим атамани таржима қилмасдан, изоҳ билан қўллаш.

Мавлоно матнларида “талаб” тушунчаси фақат руҳий изланишни эмас, балки ишқнинг ҳаракатини, бандани ўз аслига қайтиш эҳтиёжи, инсоний норасозлик ортидаги маънавий чақириқни ифодалайди. Шунинг учун таржимада фақат бир сўз билан ифода қилиш имконсиз.

Хулоса қилиш мумкинки, “Маснавий”даги “талаб” тушунчаси ўзбек тилига таржима қилишда бир қанча семантик, услубий ва ирфоний қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу атама оддий луғавий сўз эмас, балки тасаввуфий-маърифий тушунча бўлгани учун ўзбек тилида таржима қилинмасдан, изоҳ билан қўлланилгани мақбул. Бу эса асарнинг руҳий ва маънавий мазмунини сақлаб қолиш имконини беради. Мақолада келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, “талаб” атамаси ўзбекча таржимада махсус термин сифатида мустаҳкамланиши лозим.

REFERENCES

1. <https://ganjoor.net/moulavi/masnavi/daftar1/sh1>
2. <https://ganjoor.net/moulavi/masnavi/daftar3/sh37>
3. <https://ganjoor.net/moulavi/masnavi/daftar2/sh18>
4. بررسي «طلب» در مثنوي مولانا. محمدرضا اصلانی